

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ БД 5313000-2.22.  
2021 йил “04” 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
121 -сонли буйруғи  
2021 йил “04” 06



**ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР  
МОДУЛ ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:** 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

**Таълим соҳаси:** 510 000 – Соғлиқни сақлаш

**Таълим йўналиши:** 5313000 – Биотиббиёт муҳандислиги

Тошкент – 2021

## **Тузувчилар:**

Каттаханова .Р.Ю. – ФЖСТИ, “Ички касалликлар пропедевтикаси” кафедраси мудири, т.ф.н.

## **Такризчилар:**

Махмудов Н.И.– Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти “Ички касалликлар пропедевтикаси” кафедраси, доцент, т.ф.н.

Усманова У.Н. - Андижон давлат тиббиёт институти “1-сон умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш” кафедрасининг доценти, т.ф.н.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури ФЖСТИ Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “8” январдаги “6” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги “3”– сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **I. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб, орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали амалиёт билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллашга имкон яратади.

“Ички касалликлар” модули ўқув режанинг умумкасбий модуллар блокига таалукли.

“Ички касалликлар” модули ўқитиш талабалар томонидан гистология, анатомия, физиология, патологик анатомия, патологик физиологияга оид модуллардан олинган етарли билим ва кўникмаларга асосланади.

Ушбу дастурда “Ички касалликлар” модулининг мазмуни, предмети, мақсади ва вазифаси ҳамда моҳияти акс эттирилган. Ички касалликлар – кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, лаборатория, асбоб-ускуналар, клиник кўрсатмалар ёрдамида ташхис қўйиш, оқибати, асорати, олдини олиш чоралари, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тезкор ёрдам кўрсатиш, мустақил равишда текшириш ўтказиш, ишга лаёқатлилигини билиш, даволаш асосларини ўргатадиган фан бўлиб, умумий амалиёт шифокори-бакалавр мутахассислигига оид тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир.

### **Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

**2.1. Модулнинг мақсади** - ички касалликлар турли вариантларида, шунингдек, баъзи кенг тарқалган касалликларнинг атипик кечишида, кам учрайдиган касалликларнинг типик кечишида ташхисни асослашни, улар асоратлари ва даволаш принципларини ўргатиш кўникмасини шакллантириш. Дастур ўзида ички касалликлар модулининг турли аспектларини ҳозирги замонда ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

### **2.2. Модулнинг вазифалари:**

-ички касалликларнинг этиология, патогенез, таснифи, клиник кўринишлари, асоратлари, кечиши, оқибати, даволаш ва профилактикаси бўйича билимларни такомиллаштириш;

-беморларни анамнез йиғиш, турли системалар бўйича, клиник текшириш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш;

-касалликларнинг асосий диагностик мезонларини аниқлай олишни ўргатиш;

- тахминий, клиник диагноزلарни асослашни ўргатиш;

-беморларни текшириш режасини тузиш, шифокор тактикаси ва даволашни ўргатиш;

-лабаратор ва инструментал текширувлар натижаларини интерпретация

қилишни ўргатиш;

-қиёсий таққослаш ва якуний диагнозни асослай билишни ўргатиш  
-ички касалликларнинг турлича вариантлари бўйича кечишида даволашни тавсия эта олиш ва шошилиш ҳолатларда тезкор ёрдам беришни ўргатиш.

**2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

- ички касалликларда беморларни парваришлаш;
- энг кўп тарқалган ички аъзолар касалликларининг этиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш усуллари;
- текширув ва комплекс даво режасини тузиш;
- асосий тиббий хужжатларни билиш;
- ЭКГ юкламани синама билан; ЭКГ-мониторинг;
- Эхокардиография, доплерография билан;
- Рентгенография, компьютер томография, ядро-магнит резонанс томография, ангиография ва юрак катетеризацияси;
- Бронхография; Спирография; Брехоскопия;
- УТТ; ЭГДФС; Колоноскопия; Биопсия;
- иммунологик текширувлар, РФ, ЦИК;
- ЭКГ олиш ва ўқишни билиш; пикфлоуметрия қилиш; ички аъзолар касалликларига дастлабки ва клиник таъхис қўя **билиши керак**;
- тиббий хужжатлар;
- тана ҳароратини ўлчаш;
- артериал қон босимни ўлчаш;
- пульснинг текшириш;
- ЭКГ- олиш усуллари;
- нормал ЭКГ;
- анализлар тахлили: балғам, ошқозон шираси, дуоденал йиғиндиси, сийдик, ахлат, умумий қон тахлили **қўникмаларига эга бўлиши керак**.
- ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолатларда шошилиш терапевтик ёрдам кўрсатиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **3. Асосий қисм**

**3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий қўрсатма ва тавсиялар:**

**1-мавзу. Беморларни физикал текшириш усуллари.** Беморнинг илмий-тиббий, юридик баённомаси схемаси: сўраб-суриштириш, асосий ва қўшимча шикоятлари, касаллик ва ҳаёт тарихи. Физикал текшириш услублари. Беморларни умумий кўриш: аҳволи, эс-хуши, ҳолати, тана тузилиши, конституцияси, териси ва кўзга кўринадиган шиллик пардалари, тери ости ёғ қавати, лимфа тугунлари, юз ифодаси, кўз, бурун, бўйин, қўл, оёқ, мушак, бўғим, суякни кўриш. Нафас олиш, юрак, қон-томир, хазм қилиш, жигар, ўт йўллари, меъда ости бези, талоқ, буйрак, пешоб ажратувчи, эндокрин, қон касалликлари билан оғриган беморларни клиник текшириш (шикоятлари,

касаллик ва ҳаёт тарихини сўраб-суриштириш, умумий кўриш, пайпаслаш, туккилатиб, эшитиб кўриш) ва лаборатор, функционал, асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш услублари.

**2-мавзу. Юрак, қон-томир касалликлари.** Текшириш усуллари. Сўроқлаш. Юракнинг турли касалликларида оғрикли синдроми. Касаллик ва ҳаётини анамнез. Физикал текшириш усуллари, Функционал текширув усуллари. Юрак аускультацияси. Аускультация тартиби. Юрак тонларининг ҳосил бўллиш механизми. Меъёрий юрак тонларини тавсифлаш. Юрак шовқинлари. Юрак шовқинларини тавсифлаш. Функционал ва органик шовқинлар. Қон-томирларни физикал ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш. Юракни асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш. ЭКГ, ЭКГ – таҳлил қилиш ҳақида тушунча, ФКГ, ЭхоКГ. Юракни рентгенологи текшириш.

**3-мавзу. Ҳазм системаси касалликлари.** Физикал, лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ҳазм ва гепатобилиар системасини текшириб кўриш. Гастритлар. Ўткир ва сурункали гастритлар. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси, оқими, таснифи, ташхислар, дифференциал ташхис, даволаш.

**4-мавзу. Бронхитлар. Пневмониялар.** Бронхитлар. Ўткир ва сурункали бронхитлар. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш. Дифференциал ташхис. Кечиши, маълумоти, оқибати, даволаш. Пневмониялар: ўчоқли ва крупоз. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси: клиникаси, лаборатор ва асбоб ускуналар ёрдамида ташхислаш. Дифференциал ташхис. Маълумоти, асоратлари, даволаш.

**2-мавзу. Ўткир ревматик иситма. Юракнинг сурункали ревматик касаллиги.** Ўткир ревматик иситма. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш, дифференциал ташхис, даволаш. Юракнинг сурункали ревматик касаллиги. Орттирилган юрак нуқсонлари. Юрак митрал ва аортал нуқсонлари. Юрак туғма нуқсонлари. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш, кечиши, клиникаси, оқибати, даволаш.

**3-мавзу. ЮИК: Стенокардия, Миокард инфаркти. Гипертония касаллиги.** Стенокардия, Миокард инфаркти. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, лаборатор, асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш. Дифференциал ташхис. Гипертония касаллиги. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис, даволаш. Гипертоник кризларнинг асоратлари. Тарифи, таснифи, гипертоник кризларда шошилиш ёрдам.

**4-мавзу. Жигар циррозлари.** Жигар циррозлари. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис. Даволаш. Профилактикаси.

**5-мавзу. Пиелонефритлар ва гломерулонефритлар.** Ўткир ва сурункали пиелонефритлар ва гломерулонефритлар. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис, даволаш.

**6-мавзу. Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари.ТҚБ. РА.** Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари (БТДК): тизимли қизил бўрича, ревматоид артрит. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш, ташхис мезонлари, дифференциал ташхис, даволаш.

**3.2. Модулдаги амалий ва лаборатория машғулотлар мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

**3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:**

**1- мавзу:** Беморларни парваришлаш. Қабулхона. Қабулхона фаолияти билан танишиш. Бўлимда тозаликни сақлаш қоидалари. Тиббий хужжатларни расмийлаштириш.

**2- мавзу:** Ички касалликлар пропедевтикаси: беморларни физикавий текшириш усуллари.

**3- мавзу:** Нафас аъзоларини текшириб кўриш усуллари. Шикоятлари, анамнез. Кўкрак қафасини кўздан кечириш: меъерий ва патологик кўкрак қафаслари. Нафас типлари, тезлиги, чуқурлиги ва ритми. Патологик нафас турлари (Грокк, Чейн-Сток, Биот ва Куссмаул) кўкрак қафасини пайпаслаб кўриш. Кўкрак қафасини перкуссия қилиш. Ўпка аускультацияси. Асосий нафас ва патологик нафас шовқинлари. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш.

**4- мавзу:** Юрак, қон-томир касалликлари. Текшириш усуллари. Сўроқлаш. Юракнинг турли касалликларида оғриқли синдроми. Касаллик ва ҳаётий анамнез. Физикал текшириш усуллари, Функционал текширув усуллари. Юрак аускультацияси. Аускультация тартиби. Юрак тонларининг ҳосил бўллиш механизми. Меъерий юрак тонларини тавсифлаш. Юрак шовқинлари. Юракни асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш. ЭКГ, ЭКГ – таҳлил қилиш ҳақида тушунча, ФКГ, ЭхоКГ.

**5- мавзу:** Ҳазм системаси касалликлари. Физикал, лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ҳазм ва гепатобилиар системасини текшириб кўриш.

**6- мавзу:** Сийдик ажратиш системаси касалликларини физикал, лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш.

**7- мавзу:** Қон касалликларибилан оғриган беморларни шикояти, касаллик ва ҳаёт тарихини сўраб суриштириш. Умумий кўрик, суяк ва лимфа тугунларини пайпаслаш, тукуллантиш. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш.

**8- мавзу:** Ички секреция безлар системаси. Таснифи. Қалқонсимон без касалликлари. Қалқонсимон без касалликларини текшириб кўриш. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш. Радиоизотоп усулда текшириш.

**9- мавзу:** Бронхитлар: ўткир ва сурункали (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**10- мавзу:** Крупоз ва ўчоқли зотилжам (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**11- мавзу:** Ўтқир ревматик иситма (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**12- мавзу:** Митрал қопқоғи етишмовчилиги ва митрал стеноз(этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**13- мавзу:** Аорта қопқоғи етишмовчилиги, аорта оғзи стенози (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**14- мавзу:** ЮИК ташхиси. Стенокардия (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**15- мавзу:** Миокард инфаркти (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**16- мавзу:** Сурункали гепатитлар. Жигар циррози (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**17- мавзу:** Гломерулонефритлар, пиелонефритлар ташхиси (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**18- мавзу:** Ревматоид артрит. Тизимли қизил бўрича. (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

**3.2.3. Амалий ва лаборатория машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза) ва 50% амалий қисм (амалий ва лаборатория машғулоти)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади.

Машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим.

Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

**3.2.4. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:**

**Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:**

1. Тиббий хужжатлар;
2. Тана ҳароратини ўлчаш;
3. Антропометрия: беморнинг бўй узунлигини ўлчаш, беморнинг оғирлигини ўлчаш, беморнинг кўкрак қафаси айланасини аниқлаш.
4. Кўкрак қафаси пальпацияси;
5. Ўпканинг таққослама перкуссияси;
6. Ўпканинг топографик перкуссияси;

7. Ўпка аускультацияси;
8. Юрак соҳаси пальпацияси;
9. Юрак перкуссияси (нисбий бўғиқ чегаралари);
10. Юрак перкуссияси (мутлок бўғиқ чегаралари);
11. Юрак аускультацияси;
12. Артериал қон босимни ўлчаш;
13. Пульсинг текшириш;
14. ЭКГ- олиш усуллари;
15. Нормал ЭКГ;
16. Қорин бўшлиғининг юзаки пальпацияси;
17. Қорин бўшлиғининг чуқур пальпацияси;
18. Жигар пальпацияси;
19. Курлов бўйича жигар перкуссияси;
20. Буйрак пальпацияси;
21. Лимфатик тугунлар пальпацияси;
22. Талок пальпацияси ва перкуссияси;
23. Анализлар тахлили: балғам, ошқозон шираси, дуоденал йиғиндиси, сийдик, ахлат, умумий қон тахлили;

***Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:***

1. УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;
2. УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;
3. УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;
4. УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;
5. УКК 1<sup>2</sup>. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббидат терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган уларга математик методларни қўллашга тайёрлик;
6. УКК 2. Профессional фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;
7. УКК 3. Техник ҳужжатларни юритишга тайёрлик;

***4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташиқил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар:***

***4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:***

1. Ўпканинг сурункали обструктив касалликлари.
2. Пневмосклероз.
3. Ўпка эмфиземаси диагностикаси (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

---

<sup>1</sup> УК- умумий компетенция

<sup>2</sup> УКК – умумий касбий компетенция



4. Нафас олиш аъзолари касалликларини замонавий лаборатор-инструментал текширув услублари.
5. Бронхиал астма касаллигида асмастик ҳолатида биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари. Замонавий текширув услублари.
6. Юрак қон-томир тизими касалликларини замонавий текширув услублари.
7. Юрак аритмияларида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
8. Симптоматик артериал гипертензиялар.
9. Миокард инфарктида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
10. Уч табақали копкок етишмовчилиги.
11. Юракни комбинирланган иллатлари.
12. Ўткир чап қоринча етишмовчилигида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
13. Ўпка шишида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
14. Юрак туғма нуқсонлари. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш, оқибати, даволаш.
15. Ошқозон ости беши касалликлари диагностикаси. Замонавий текширув услублари.
16. Жигар санчиги, кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
17. Нефротик синдром. Замонавий текширув услублари.
18. Семизлик, этиопатогенез, кечиши.
19. Гипо ва гипергликемик кома.
20. Гиповитаминоз.

“Ички касалликлар” модулида курс иши режада кўзда тутилмаган.

### **Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

“Ички касалликлар” модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади. Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилган 5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади. 5-семестр якунида синов, 6-семестр якунида синов, 7-семестр якунида ёзма тест топширилади.

#### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)**

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Ички касалликлар модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа

шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Талаба ҳар бир бўлимдан белгиланган кредитларни тўплагандан кейингина якуний назоратга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

#### Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	А	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаш; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллаш олиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва	5	аъло

			<p>белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;  амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;  модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;  модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;  назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;  терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;  ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;  модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;  стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;  амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;  амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;  модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;  ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;  назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда</p>	4	яхши

			яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	Д	"қониқарли" – суст натижа, қўпол камчиликлар билан	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p>	3	Қониқарли

			<p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллаш олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
55-59	Е	"ўрта" – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол ҳатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллаш олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	"қониқарси 3" – минимал даражадаги	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантикий</p>	2	Қони қарсиз

		билимларни олиш учун кўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантикий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

## ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯН модули якунида ёзма тест шаклида ўтказилади.

ЯНда саралаш балини (55) йиғолмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки hafta муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модули бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет

деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **5. Асосий ва кўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### ***5.1. Асосий адабиётлар***

1. Гадаев А.Г. Ички касалликлар. Дарслик. Тошкент. Турон Замин Зиё нашриёти. 2018 й.
2. Мухин Н.А., Моисеев В.И. Пропедевтика внутренних болезней. Учебное пособие. Москва. ГЭОТАР Медиа. 2012 г.
3. Гадаев А. Г., Каримов М.Ш. Ички касалликлар пропедевтикаси. Дарслик. Тошкент. Мухаррир нашриёти. 2012 й.

### ***5.2. Кўшимча адабиётлар***

1. Гребенев А.Л. Пропедевтика внутренних болезней. Учебное пособие. Москва. Медицина. 2011 г.
2. Рябов С.И. Внутренние болезни В 2-х т. Санкт-Петербург.: СпецЛит. 2015г.
3. Мурашко В.В. Общий уход за больными. Учебное пособие. Москва. Медицина. 1988 г.
4. Гребенев А.Л., Щептулин А.А. Основы общего ухода за больными. Москва. Медицина. 1991 г.
5. Бобожонов С.Н. Ички касалликлар. Дарслик. Тошкент. 2008; 2010 й.
6. Гордиенко А.В. Госпитальная терапия. Учебник. Санкт-Петербург.: СпецЛит. 2016 г.
7. Окорочков. А.Н., Диагностика и лечение болезней внутренних органов. Учебное пособие. Москва. 2009 г.
8. Струтынский А.В., Баранов А.П., Ройтберг Г.Е., Гапоненков Ю.П. Основы Семиотики внутренних органов. Учебное пособие. Москва. МЕДпресс-информ. 2013 г.
9. Скотт Стерн, Адам Сайфу, Дайн Олткорн. От симптома к диагнозу. Руководство для врачей (Перевод с английского). Москва. Геотар Медиа. 2008г.
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.
11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.

12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2016 й.

### 5.3. Интернет сайтлари

1. [www.medlibrary.ru](http://www.medlibrary.ru)
2. [www.medline.ru](http://www.medline.ru)
3. [www.medbook.ru](http://www.medbook.ru)
4. [www.tma.uz](http://www.tma.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz)

### “ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Ички касалликлар	
Модулнинг тўлиқ номи	
Модул коди:	Кредит ҳажми: 5 кредит Шундан: ЖН – 5 кредит: ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)
Таълим йўналиши	5313000 – Биотиббиёт муҳандислиги
Модулнинг давомийлиги	3-4 босқич бакалаврлари
Ўқув соатлари ҳажми:	54 hafta
Ўқув модулининг статуси	Жами соат: 180 Шунингдек: Маъруза 20 амалий машғулот 58 Клиник амалий машғулот 48
ОТМ номи, манзили	Умумқасбий модуллар блоки
Кафедра номи	
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.
Машғулот вақти ва жойи	E-mail: E-mail:
Модулнинг мазмуни	“Ички касалликлар” модули кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, лаборатория, асбоб-ускуналар, клиник кўрсатмалар ёрдамида ташхис қўйиш, оқибати, асорати, олдини олиш чоралари, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тезкор ёрдам кўрсатиш, мустақил равишда текшириш ўтказиш, ишга лаёқатлилигини билиш, даволаш асосларини ўргатадиган фан бўлиб, умумий амалиёт шифокори-бакалавр мутахассислигига оид тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир.
Пререквизитлар	Гистология, анатомия, физиология, патологик анатомия, патологик физиология модуллари назарий қисми ҳисобланади.
Постреквизитлар	“Ички касалликлар” модули кейинчалик физик майдонларнинг биологик объектлар билан ўзаро таъсир асослари, биотиббиёт тизимлари оптикиси.



	биотиббийёт ускуналари ва тизимларидаги импульс техникаси асослари, тиббий курилмаларда ахборот технологияси модуллар учун назарий замин бўлиб хизмат қилади, ихтисослик модулларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникмаларни шакллантиради.
Модулнинг мақсади	Ички касалликлар турли вариетларида, шунингдек, баъзи кенг тарқалган касалликларнинг атипик кечишида, кам учрайдиган касалликларнинг типик кечишида ташхисни асослашни, улар асоратлари ва даволаш принципларини ўргатиш кўникмасини шакллантириш. Дастур ўзида ички касалликлар модулнинг турли аспектларини ҳозирги замонда ривожланиш ҳолатини акс эттиради
Модулнинг вазифалари	-ички касалликларнинг этиология, патагеноз, таснифи, клиник кўринишлари, асоратлари, кечиши, оқибати, даволаш ва профилактикаси бўйича билимларни такомиллаштириш; -беморларни анамнез йиғиш, турли системалар бўйича, клиник текшириш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш; -касалликларнинг асосий диагностик мезонларини аниқлай олишни ўргатиш; - тахминий, клиник диагноزلарни асослашни ўргатиш; -беморларни текшириш режасини тузиш, шифокор тактикаси ва даволашни ўргатиш; -лабаратор ва инструментал текширувлар натижаларини интерпретация қилишни ўргатиш; -қиёсий таққослаш ва яқуний диагнозни асослай билишни ўргатиш -ички касалликларнинг турлича вариантлари бўйича кечишида даволашни тавсия эта олиш ва шошилиш ҳолатларда тезкор ёрдам беришни ўргатиш.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	– ички касалликларда беморларни парваришлаш; – энг кўп тарқалган ички аъзолар касалликларининг этиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш усуллари; – текширув ва комплекс даво режасини тузиш; – асосий тиббий ҳужжатларни билиш; – ЭКГ юкламали синама билан; ЭКГ-мониторинг; – Эхокардиография, доплерография билан; – Рентгенография, компьютер томография, ядро-магнит резонанс томография, ангиография ва юрак катетеризацияси; – Бронхография; Спирография; Брехоскопия; – УТТ; ЭГДФС; Колоноскопия; Биопсия; – иммунологик текширувлар, РФ, ЦИК; – ЭКГ олиш ва ўқишни билиш; пикфлоуметрия қилиш; ички аъзолар касалликларига дастлабки ва клиник ташхис қўя <i>билиши керак</i> ; – тиббий ҳужжатлар; – тана ҳароратини ўлчаш; – артериал қон босимни ўлчаш; – пульснинг текшириш; – ЭКГ- олиш усуллари; – нормал ЭКГ; – анализлар тахлили: балғам, ошқозон шираси, дуоденал йиғиндиси, сийдик, ахлат, умумий қон тахлили <i>кўникмаларига эга бўлиши керак</i> . - - ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолатларда шошилиш терапевтик ёрдам кўрсатиш <i>малакаларига эга бўлиши керак</i> .
Таълим бериш усуллари	маъруза амалий ва лаборатория машғулотлар.
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.





